

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат  
Мирзиёевнинг таклифига  
биноан 29 март куни Туркия  
Республикаси Президенти Режеп  
Тайип Эрдоған расмий ташриф  
билин мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари  
билин безатилган Тошкент халқаро  
аэропортида Туркия Республикаси  
Президенти ва унинг рафиқасини  
Президент Шавкат Мирзиёев ва

рафиқаси кутиб олди.  
Таъкидлаш лозимки, Туркия  
Республикаси ўзбекистон  
Республикасининг давлат  
мустақиллигини биринчи  
бўлиб тан олган. 1996 йилда  
мамлакатларимиз ўртасида  
Абадий дўстлик ва ҳамкорлик  
тўғрисидаги шартнома имзоланган.  
Халқларимиз кўп асрлар тарихи,  
тили, дини, қадриятлари ва  
муштарак урф-одатлари билан

бир-бирига чамбарчас боғланган.  
Давлатларимиз ўртасида ўзаро  
ишонч асосидаги дўстона  
муносабатлар бугунги кунда изчил  
мустаҳкамланиб бормокда.

Туркия етакчиси давлатимиз  
раҳбари ҳамроҳлигига "Янги  
Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб,  
Мустақиллик монументи пойига  
гул қўйди. Мехмонга мажмууда акс  
эттирилган тарих ва мазмун ҳақида  
сўзлаб берилди.

Даёвоми 2-бетда. ►

### ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТАРАСИ ИССИҚ



ЎЗБЕКИСТОН БУГУН ЎЗИГА ХОС  
ЖКОЗИБАСИ БИЛАН ХОРИЖЛИК  
ИНВЕТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА. УЗОҚ  
ЙИЛЛАР ИЧИДА ҚАТ-ҚАТ БЎЛИБ ЙИҒИЛГАН  
МУЗЛАР ҚАТЪИЙ СИЁСИЙ ИРОДА ВА  
ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН ЭРИТИЛЯПТИ. ЯНГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁПИҚ, ҚОВОҒИ СОЛИНГАН  
ЭМАС, ИСТАРАСИ ИССИҚ, ЖОЗИБАЛИ  
МАМЛАКАТГА АЙЛАНЯПТИ.

3

## ЧИРОҚЧИДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП

буни тиббиёт, таълим, тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги  
ўзгаришларда кўрмоқдамиз

### ДАСТУРХОН

— Бугунги кунда вилоятда нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки янгидан ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик ва бунёдкорликлар воҳани таниб бўлmas даражада ўзгартириб юборди, дея бемалол айтишимиз мукин, — дейди Қашқадарё вилояти қовун-тарвуз этиширувичлар уюшмаси бошлиги Улугбек Жуманазаров.

— Биласизми, айни пайдай воҳада 20 минг гектардан ошик жойда қовун-тарвуз этишириллади. Чироқчи туманинг ўзида 3 минг гектар лалми, 2 минг гектар сугориладиган ерда тақорорий полиз экинлари экилиди. Ўтган йилги 135 минг тоннадан ошик тарвузнинг кўпчи Чироқчининг хиссасига тўғри келмоқда. Айнича, Кўйдала ва Чиял кенгликлари полиз учун жуда мос худуд хисобланади. Шу бойисдан ҳам ўтган йили 15 минг тоннадан зиёд эртаги тарвуз экспорт килинди.

Айни ҳақиқатни айтадиган бўлсак, эртаки маҳсулот



етишириш осон эмас. 2019 йилда Жанубий Кореяга хизмат сафари билан борганди кўрдик, иссиҳонада эртаги қовун-тарвуз, кўкат, мева этишириб, ургулкни ўзлари тайёрлашар экан. Иссиҳонада экишини хозир биз ҳам жорий этаяпмиз. Бу йил февраль ойининг бошида 15 тонна броколи, гулкарар каби барвақт этиширилган сабзавотларни хорижга жўнатдик. Яна бир гап: бу йил 3 минг гектардан ортиқ майдондан фермер хўжаликлари, 5 минг гектардан зиёд ерда томорқачилар тарвуз этиширияпти. Жами 200 гектар ер томчилатиб сугорилмоқда. Бу тежамкор усулни 10 гектар фермер хўжалигимиз ерида жорий қилим. Бундай янгиликлар кўп. Президентимиз яқинда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини

ривожлантириш, тиббий хизматни янги даражага кўтариш

ҳақида ҳаётӣ гапларни айтди. Даствурхонда гўшт, сут,

тукум билан бирга қовун-тарвуз, мева, кўкат, саб-

завотлар, албатта, бўлиши шарт. Соғлом танды соғ ақл,

дайишади. Яни, соғлом ақл соҳиби танини хоритмайди.

Демак, биз этишириётган маҳсулотлар даствурхонимиз

зийнати...

Даёвоми 6-7-бетларда. ►

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Таъқидлаш жоизки, бу хорижий давлат раҳбари ташрифи чоғида "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўди ва келгусида анъанага айланади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой кароргоҳида бўлиб ўти. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдоған шоҳсулага кўтарилилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат маддиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда давлат раҳбарлари олдидан саф тортиб ўти.

Маросимда иккى мамлакат расмий делегациялари аъзолар ҳам хозир бўлди.

Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоған тор доирада музокаралар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қирралари ҳамкорликни янада ривожлантириши ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий ётибор стратегик шериларине муносабатлари даражасини юқсалтириш, иккى мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентларо, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоказаларни кенгайтириш масалаларига қаратиди.

Кейинги йилларда иккى томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ҳукуматлар, вазирliklari va идоралар, худудлар даражасида доимий мулоқотлар йўлга қўйилинган. Олий даражада эришилган келишувлар изиламалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдоған кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоказаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Шу маънода, мамлакатларимизнинг катта салоҳияти ва имкониятларини, жумладан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия механизмидан фаол фойдаланиш орқали рўёба ҷаҳонга зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ментақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш эканини қайд этдилар. Кўп томонлама халқаро институтлар доирасида ҳамкорликни давом этишига келишиб олинди.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккичи йигилиши бўлиб ўти.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия етакчинини қўтлар экан, ўзаро ҳамкорлика юқсан ҳамкорларни, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари, ишбилиарном доиралари ва жамоатчилиги ўртасидаги алоказалар мустаҳкамланшиб бораётганидан мамнунлигини билдири.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кўп қирралари муносабатлари янада ривожлантириш ва мустаҳкамландан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған мамлакатларимизнинг қардошлиқ ришталарига асосланган стратегик шериларига барча соҳаларда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривожтопаётганини алоҳида қайд эти.

Иккى мамлакат етакчинарининг расмий ташрифлари ва мунтазам мулоқотлари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, сермаҳсул амалий шериларига учун кенг имкониятлар очди.

Савдо ва инвестиция соҳаларида алоказалар жадал ривожланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.

Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шериларни, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, мада-

►Давоми, бошланиши 1-бетда.



Иккичи йигилиши алмашинув каби соҳаларда янада кенгайтиришининг устувор йўналишларига батифил тўхтадилар.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат-хусусий шериларини механизмларини жорий килиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларида шериларини чукурлаштириша келишиб олинди.

Ҳамкорлик кўлами кенгайганини хисобга олиб, томонлар муносабатларни янги даражага – кенг қарорлари стратегик шериларни чиқишига қарор қилидилар.

Музокаралар якуннада Режеп Тайип Эрдоған Шавкат Мирзиёевга иккى томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йигилишида иштирок этиш учун Туркияга ташриф билан келишини тақлиф эти.

Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа – Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр стансиясини ишга тушириш ҳамда Сирдарё вилоятида шундай стансия қурилишини бошлаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳалар Туркияning «Cengiz Enerji» компанияси томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маросимда нутг ёзулар экан, лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхтади, ушбу мажмулар ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни самараларининг ёрқин инфодаси эканини таъкидлади. Охирги бир йилнинг ўзида туркиялини компаниялар билан бирга лида Ўзбекистоннинг жадал ривожланадиган иқтисодиётни учун жуда муҳим бўлган 5 та йирик энергетика лойиҳалари амалга оширилганда алоҳида қайд этилди. Хусусан, ушбу стансияларнинг умумий қуввати бугунги лойиҳалар билан кўшиб хисоблагандаги 1,4 минг мегаваттга етади.

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериларига асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилиши таъкидланди. Улар кўшишимча 71 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратади, йилига 12 миллиард куб метр табиий газ тежалади.

Давлатимиз раҳбари электр стансиясини бунёд этишида қатнашган мухандис ва курувчиларга миннадорлик билдири. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Тайип Эрдоған рамзи тұғманы бошиб, Қиброй туманидаги иссиқлик электр стансиясини ишга тушириди ва Холос туманидаги иссиқлик электр стансияси қурилишини бошлаб берди.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегацияциянда ўзбекистондаги стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шериларни, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, мада-

кибрайдаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилига 2 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқарди.

Холос туманидаги янги иссиқлик электр стансияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилига 1 миллиард 700 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш масалаларига қаратиди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккичи йигилиши якунлари бўйича Кўшияни бәёнот имзоладилар.

Бундан ташки, иккى мамлакат ҳукуматлари, вазирliklari va идоралари даражасида кўп қирралари – Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг мустаҳкамланған 9 та ҳужжат келишиб бўлди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдоған олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккичи йигилиши якунлари бўйича Кўшияни бәёнот имзоланди.

Жумладан:

- Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим;
- Давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳакидаги олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённома;

- Мехнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандум;
- Суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандум;

- Қурилиш соҳасида англашув меморандум;
- Соғлиқни сақлаш вазирliklari ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар жареси;

- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркияning «Анадолу» агентлиги ўртасида Ҳамкорлик битим.

Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккичи йигилиши якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказиди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида ҳалқаримизни Наврӯз байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклиди. Миллатларимизнинг тарихи бирлиги ва бугунги яқинлигига ётибор қаратди.

- Буюк ишларни ҳорраҳаларида қорлашган юртларимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка китъаларининг қаррондаги туташган худудлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозирда турк қардошлигиниз билан минглаб километр олисда яшатиган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқинидар. Бизнинг тарихий илдизларимиз бир, бугунги орзу-интилишларимиз ҳам муштарак, – деди Президентимиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған Кўксарой қарорлидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига қўчат ўтказди.

Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоказалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериларига муносабатларни ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу никол ҳамкорлик ривожида янги давр бошланадиганда, муштарак эзгу ниятларининг рамзи бўлди.

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбалари эккан дараҳатлар ҳам бор.

Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоғаниннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎзА мухбари.**

## ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Фарғона вилоятида Туркия сармоаси иштирокида 63 та корхона ташкил этилган бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиши соҳаларида алоказалар оширилган бўлойиҳалар ҳамкорликнинг янги уфқларига кенг йўл очмоқда.**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар изчил ривожланмоқда. Барча даражадаги мулоқотлар кескин фаоллашди. Ўзбек ва турк ҳалкларининг азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари янада мустаҳкамланшиб, худудларро ҳамкорлик алоказалари

йўлга қўйилмоқда. Қулай инвестициявий ва ишбилиарномлик мухити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини кенгайтириди. Фарғона вилоятида алоказалар оширилаётган лойиҳалар ҳам бунга яққол мисолидир.

Жорий йилнинг февраль ойида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегацияциянда ўзбекистондаги стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шериларни, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, мада-

ширкети" компанияси билан 36 миллион долларларик, Фурқат туманидага пахтадан тайёр тикувчилик маҳсулотини ишлаб чиқаришгача бўлган циклни қамраб олувчи комплексни барпо этиш бўйича "BENEKS" компанияси билан 35 миллион долларлик инвестицион келишувлар шулар жумласидандир.

Фарғона ва Бурса вилоятлари турк қароҳидаги Фахрий ҳамкорликни яратади. Фарғона таҳрибаси асосида кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Вилоядта бугунги кунда туркиялик ишбилиарномлар билан ташкил этилган корхона-

ларнинг 40 таси саноат, 20 таси хизмат кўрсатиш ва 3 таси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият олиб бўлди.

Ўзбекистон тумани Шўрсув шахарасидаги "Albus cement group" ўзбек-турк қўшма корхонаси таронидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлиги ва юқори сифати билан ажralib турди. 2013 йилда ташкил этилган корхона ўтган даврда маҳсулот турларини к

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТАРАСИ ИССИҚ

ТАДБИРКОРЛАР  
УЧУН ЯРАТИЛГАН  
ИМКОНИЯТЛАР,  
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ,  
ТРАНСПОРТИРОВКА  
МАСАЛАЛАРИ,  
АЖРАТИЛАЁТГАН  
СУБСИДИЯЛАР,  
УМУМАН, ДАВЛАТНИНГ  
ЎЗИ УЛАРГА ЕЛКА  
ТУТАЁТГАНИ БУНИНГ  
БОШ ОМИЛИ БЎЛЯПТИ.  
ЎТГАН ҲАФТАДА  
ПОЙТАХТИМИЗ  
МЕЗБОНЛИК ҚИЛГАН  
ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО  
ИНВЕСТИЦИЯ  
ФОРУМИДА БУ ЯНА БИР  
КАРРА ЎЗ ИСБОТИНИ  
ТОПДИ.

саналади. Буларнинг барчаси учун янги йўналиш ва имкониятлар юзага келди.

Ўзбекистон жозибадорлигининг бир элементи – ислоҳотлар кун тартибидир. Бу тўғри йўналиша кетаётганига ва хорижий инвесторлар учун кўплаб имкониятлар яратишига ишонамиз. Чунки буғунги таҳликали, нотинч пайтларда савдонинг аҳамияти нихоятда ошди. Биз ҳамкор банкларимиз учун янги доимий лимитлар очиб, ўзбекистон-

Бу нимани билдиради? Бу Узбекистон инвестор учун ишончли портга айланди. Ер юзининг турли минтақаларидан келаётган пуллар макон қилаётгани эса тасодифан эмаслигини ҳам таъкидлаш лозим. Айниқса, 2016 йилдан бўён бюрократия камайди ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратилди.

ди ва бу жараён ҳали давом этади. Чунки Президент берган ваъдалар, улар фаолиятининг кафолатланиши ҳақидаги фикрлар кўпчиликни хаяжонга солди ҳамда ишонч туйғусини ошириди. Бу орқали янги имкониятлар юзага келмоқда ва инвесторларни янада кўп инвестиция киритишга даъват қилмоқда. Ўйлайманки, Туркия ҳам Ўзбекистон билан алоқаларини янада мустаҳкамлади, янги йўналишларда янги марралар забт этилади.

**Максат МАМИТКАНОВ,  
Евроосиे иқтисодий  
комиссиясининг божхона  
ҳамкорлиги ҳайъати аъзоси**

— Биз шахсан Ўзбекитон Президенти ва ҳукумати таклифи билан Тошкентга ташриф буюрдик. Чунки йирик масштабдаги тадбирда иштирок этиш биз учун муҳим. Асосийси эса икки томонлама дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсади биз учун устувор саналади.

да кузатувчи давлат ҳисобланади. Унда амалга ошириладиган барча тадбирлар ҳамда режалаштирилаётган лойихаларнинг аҳамияти ҳам бекиёс. Шу боис ўзбекистонлик касбдошларимиз билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, барча йўналишдаги иттифоқчилик муносабатларимизни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалаларни муҳокама қўйдик.

Барча жараёнларни рақамлаштиришга оид масала кўтарилиди. Биз учун ҳам божхона органларидағи оқимларнинг электрон тизимга ўтказилиши мухим саналади. Замонавий технологиялар ва IT тизимининг ишга туширилиши ҳисобига ўз олдимизга кўйган юксак мақсадларга эришамиз. Бу томонлар ўртасидаги иттифоқчиликда ҳам, соҳалар кесимидағи ҳамкорлик бўйича истиқболли режаларни амалга ошириш орқали ўз исботини топади.

## **ФОРУМ ВА НАТИЖАЛАР**

Форум доирасида умумий қиймати 7 миллиард 833 миллион долларлик 164 та шартнома имзоланди. Келишувларнинг 97 таси инвестициявий, 67 таси савдо битимидан иборат

бўлди. Хорижий инвесторлар, иирик компаниялар, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий корхоналар ўтасида тузилган ушбу шартномалар орқали мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиласидиган қатор лойиҳалар амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми стратегик ташаббусларни муҳокама қилиш ва амалга ошириш учун янги майдон

амалга ошириш учун янги наидон базифасини ўтади. Эътиборлиси, Ўзбекистон ҳозирги пайтда иқтисодий ўйишнинг янги формуласини фаол жорий қилиб, қайтадан янги имконият ва инновациялар кесишадиган марказга айланишга интилаётганини кўрсатиб бера олади. Муҳими, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳамда мамлакатимизда қулай инвестициявий мухит яратилгани намоён бўлди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
“Ўзбекистон овози” мухбари.**

ХАЛҚИМИЗДА САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК, ДЕГАН НАҚЛ БОР. ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСОН УЧУН УНИНГ СОҒЛИГИДАН ОРТИҚ БОЙЛИК БҮЛМАГАНИДЕК, СОҒЛОМ ИНСОН ҲАМ ЖАМИЯТНИНГ ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИГИДИР. БИНОБАРИН, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЯҚИНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН "ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН" МАВЗУСИДА ЎТКАЗГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТГАНЛАРИДЕК, ФАҚАТГИНА СОҒЛОМ ХАЛҚ, БАРКАМОЛ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ.

# СОГЛОМ ИНСОН ЖАМИЯТНИНГ БОЙЛИГИДИР



**Улугбек ИНОЯТОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчиллик палатаси  
Спикерининг  
ўринбосари, Ўзбекистон  
ХДП партияси фракцияси  
раҳбари.**

и-  
л- яшовчи аҳолига узоққа ва мар-  
ча казларга бормасдан малакалии  
ан шифокор хизматидан фойдала-

ниш имконини беради. Бу эса ортиқча вақт ва маблағ сарф-ланишининг ҳам олдини олади.

Соғлом турмуш тарзига амал қилиш инсон саломатлигининг гарови эканини яхши биламиз. Соғлом турмуш тарзи – тұғрик овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шүғулланиш, заарлардың одатлардан воз кечиші, демакadir. Афсуски, буни күпчилик яхши билгани холда амал

лик яхши билгани ҳолда, амал-  
қилмайди. Шу боисдан, маҳал-  
лабай тизимда ишлаб, сифатли  
тиббий хизматларни ахолига  
яқинлаштириш, одамларни соғ-  
лом турмуш тарзига ўргатиши  
ҳамда касалликлар профилак-  
тикаси бўйича қўлланмалар иш-  
лаб чиқиб, оиласларга тарқатиши  
асосий вазифалар сифатида  
белгилаб берилди.

сасаси қурилип, табиғирланып бўлса, бу ишлар давом эттирилиб, 1100 та шифо масканингаги шароитлар яхшиланади. Хусусан, жорий йилда инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва тъмirlаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга қурилишишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизиминини

Нийт тизимдаги энг катта ўзгаришлардан яна бири – давлат шифохоналари билан биргагүйчүү хусусий медицина ҳам ривожланмокда. Авваллари бундай

ланмоқда. Авваллари бундай хизматлар фақат стоматологияя бўйича кўрсатилган бўлса, хотириз хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда. Бугун уларнинг сонини 8 мингтага етган.

касалликларни даволаш бўйича ягона тарифлар тасдиқланади, йўлланма асосида тиббий хизматлар кўрсатадиган хусусий клиникалар рўйхати шакллантирилади. Бу чора-тадбирлар ўз навбатида юртимизда хусусий тиббиёт тармоғининг янада ривожланиши учун қулай шароит яратади.

УНИНГ ИЖРОСИ БЕКАМУ КҮСТ ТАЙ-  
МИЛЛАНИШИ НАФАҚАТ СОХА ЁКИ  
ЖОЙЛАРДАГИ ҲОКИМЛИКЛАР, БАЛКИ  
БАРЧАМИЗНИНГ БИРИНЧИ ГАЛДАГИ  
ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БҮЛИШИ ЛО-  
ЗИМ. ЧУНКИ, ИНСОН УЧУН УНИНГ  
СОҒЛИГИДАН ОРТИҚ БОЙЛИК ИҮК.





Соғлом гўдакларнинг йигисини эшиштдим.  
Бу – келажак овози эди...



### АВВАЛ САЛОМАТЛИК...

Туман марказий шифоноси ҳовлисига кириб келганимда эндигина тонг отаётган эди. Шунга қарамади, иш қизгин. Шифокор ва хизматчилар дараҳатлар тагини юмшатишпяти, янги экилган гул ва ниҳолларга қарашаяпти, ҳуллас атроф озода ва тоза. Тибиёт бошқармасига иккى йилдан бўён Одил Шайманов раҳбарлик қиласяпти. Малакали болалар шифокори анча йили ўз касби бўйича ишлади, унинг қабулига келган ота-оналар фарзандлари саломатлигидан хотиржам бўлишарди. Ўзини аямай ишлади, илими, ғайрати туфайли бош шифокор бўлди. Ундан мамлакатимиз раҳбарни яқинда ўтказган мулокот ва тибиёт ходимларига ғамхўрлик ҳақида сўрайман.

– Президентимиз айтган фикрлар кўнгил гавҳари, – дейди Одилжон ўйлаб ўтирамай, кейин кўзойнагани олади, шунда мен унинг ийрик маънога тўла кўзларни кўраман, у хотиржам ва андак қувликтар билан бокадики, негадир ўнгайсизланаман: – Бундан чамаси 6-7 йил один туманимиз ёхими хар кўрганда: «Мана, бу дўхтир “Ласетти” минади, маблагни қаердан олган», қабилида танбех берарди. Охири чидолмадим: «Ота-онам шифокор бўлишган, 40 йилдан ортиқ ишлашган, ҳозир 5 миллион сўмдан зиёд пенсия олишади, ўзим ишлайман, нега машина минмаслигим керак?», дедим жаҳлим чишиб.

– Мулокотда шифокор меҳнати ва ҳаёти яхши фикрлар айтилди, – дейман унга.

– Бу ғамхўрлик, – қалбини очади Одилжон кўзойнагини тақаркан. – Ислоҳотлар бир неча йилдан бўён давом этаяпти. Энди ахволимизни айтай. Чирокчи худуди Андижон вилоятидан катта. Жами 425 мингга яқин аҳоли хатловдан ўтказилди. Ҳозир 8 мингга яқин шифокор, ҳамшира ва хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Қувониб айтаманки, тажрибали шифокорлар сафига кўллаб ёшлар келиб қўшилаётпи. Қишлоқларда кўп тармоқли марказий поликлиниканинг 8 та бўлими ва яна 8 та оиласиев поликлиника фаолият кўрсатипти. Албатта, айrim ихтиослик бўйича шифокорлар етишмайди. Ҳозир Президентимизнинг фармонига кўра, четдан келиб ишлайдиган шифокорлар учун бир йўла 30 миллион сўм маблаг берилади, ўй куришга кўмаклашилади. Шу туфайли Хоразм, Самарқанд ва бошча вилоятлардан кўллаб шифокорлар туманимизга келиб меҳнат қилишяпти. Мана, гаплашинг...

– Мен Ислом Фаниевман, – телефондан кучча тўлган овоз эшиштади. – Самарқанд вилоятининг Пастдарғон туманиданман, Самарқанд тибиёт институтини битириб ўзимизда ишладим. Бир йил бўлдик, Чирокчи туманининг “Шўркудук” маҳалласидаги оиласиев поликлиника шифокориман. Яқинда Президентимиз ўтказган мулокотда онлайн тарзда қатнашдим ва мен яратиб берилган шароитлар учун Давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигими билдиридим, таклифаримни айтдим. Ўйлайманки, тибиётимизда янги давр бошланяпти ...

Узоқ “Қарателлак” қишлоғидаги 58-оиласиев поликлиника билан танишдик. Тажрибали шифокор Бегмамат Эргашев раҳбар экан, биноси яхши, 27 мингга яқин аҳоли

►Давоми, бошланниши 1-бетда.

# ЧИРОКЧИДА

## буни тибиёт, таълим, тадбиркорлик

яшаётган 15 қишлоққа хизмат кўрсатишпяти. Патронаж ҳамшира Гулнора Дўстқулова 160 хона-донининг оила аъзосига айланган, десак асло муболага бўлмайди. 53 ёшли шифокор ҳақида одамлар илик гапларни айтишди.

Хуллас, хориб-чарчаб, яна марказий шифононага келдик. Ҳозирохлик бўлимида анча мураккаб амалётлар бажариляпти. Туғруқхона бўлими билан танишдик. Ўтган йили 13 минг, бу йилнинг ўтган даврида мингдан ошиқ чақалоқ дунёга келиди. Соғлом гўдакларнинг йигисини эшиштдим. Бу – келажак овози эди...

### ТАЙНЧ

Эсимда, 2018 йил декабрь ойининг боши эди. Вилоятдан Олий Мажлис Конуңчилик

лим оляпти. Қани энди, қўшимча синфона курберила, болалар узоқ қишлоқларга катнашмасди...

– Юсуф ака тажрибали, жонкуяр мактаб раҳбарларидан бири, – дейди Чирокчи туман халқ таълими бўлими мудири Фарҳод Жуманов – У иши кабилар кўп. Жами 94 мингга яқин болага 8142 олий ва 1538 ўтга маҳсус маълумотли ўқитувчилар таълим беришмокда. Шароит яратиб беряпмиз, натижада Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятларидан ва кўшни Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари, ҳатто Қарши шаҳридан ўқитувчилар келиб. Ўқувчиларга таълим беришмокда.

Фарҳод иккى йилдирик, туман бўлимини бошқаряпти. Ҳаракатчан, ташаббускор. Ўн беш йил бурун келганимда бўлимининг кўш қаватли биноси ҳароб ахволда эди. Ҳозир сифатли таъмирдан кейин яркираб турибди. Умуман, эски бинолар, айниқса, пахсадан

шаҳрида 400-450 ўринли боғча бинолари борлигини кўрган эдим. Аммо Чирокчида 2 йил бурун йирик боғча биноси қаровсиз ҳолда турганинг кўриб, роса ачингандим. Ана шу боғчанинг қайта қурилган янги биносига “Кишиштепа” ҚФИ раиси Бобоёр ака Мўмины олиб борди.

У асли курувчи-муҳандис. 7-8 йилдан бўйн маҳалла оқсоқоли, одамлар ундан рози. Ҳоким ёрдамчиси билан бирга, уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганишпяти. Кимга кредит керак, кимдир уйни таъмилмалоқчи. Оқсоқол ана шу муаммоларни, амалга ошган ишларни айтиб кетаверади, мен ёзиб олаверман. Ҳўш, маҳаллада 4180 киши яшайди. Ер майдони 104 гектардан ошик. Жами 37 та кўп қаватли иморат қурилган, қолганлари ҳовлили ўйлар. Ўтган йили 2 та тўрт қаватли 48 хонадон учун янги бино қуриб берилди. Яна 4 та новвойхона, 7 та машина тузатадиган устахона бор. Биргалашиб, нотўқима материаллар корхонасига бордик. Ҳозир 30 дан ошик ишни меҳнат қиласяпти, қаттиқ бўз тўқилаётган экан. Мутасаддилар янги ускуналар келтириш ҳаракатида.

– Феруза қизим, яхши юрибсанми? – дейди Бобоёр ака у билан сўрашиб. Кейин аёл узоклашгач, изоҳ беради: – Уч нафар фарзанди бор, эри ногирон, тикувчилик машинаси олиб бердик. Ҳув қаранг, “Ёшлар маркази”, шу жойга орастобону сифатида ишга жойлаштиридик. Ҳозир оиласи билан тинч. Ҳа-я, шу янги бинонинг 5 та хонаси маҳалламизга тегишили, маблағ билан таъминлаганимиз. Мана, сизни ўтган йили таъмирланган боғчамизга олиб келдим...

– Ассалому алайкум, раис бобо, – дейди қўшқаватли 360 ўринли боғча мудириси Гулшода Муродова. – Мехмонларни олиб келиб, яхши қилибсиз. Ўзингиз 3 йил бурун ҳароба иморатни кўрган экансиз. Мана, энди таъмирдан кейин замонавий боғчага айланди. Ҳоналар иситили, яхши ошхонамиз бор. Рустили ўргатдиган гурухлар тузилган. Қаранг, ҳовлимиш кенг, анча кўчут экдик.

– Юринг, мана бу тўрт қаватли янги уйга кўчгандар билан таништираман, – дейди қўшқаватли 360 ўринли боғча мудириси Гулшода Муродова. – Бундан етти йил бурун Чирокчи шаҳрининг бош лойиҳаси таъёрланган. Шунга кўра, энди қурилишлар тартибли олиб бориляпти. Аммо шаҳарда налихализация йўқ, энг катта муаммо шу. Агар шу масаласи ҳал бўлса, шаҳримиз янада обод ва озода бўларди.

– Нега, “Кишиштепа”, – сўрайман оқсоқолдан. – Кейин сиз боғча болаларини “кишишларим”, деб сўйдингиз. Шунга...

– Э, ха, шунга ҳам этибор берган экансизда, – кулади Бобоёр ака. – Бу ном қадимдан қолган. Чирокчи шаҳри таркибиға кирмасдан олдин аҳоли томорқасида мевали даражатлар, кишиши узумлар ўстирган. Курувчи бўлсам-да, боғлар жону-дилим. Туманимизда экилдиган янги манзарали ва мевали даражат кўчатлари 1,5 миллион тупдан ошади. Агар иморатларнинг дарвозаси олдига ишком килиб, тоқлар кўтарила-чи? Ана, Қўкдада мавзесининг қақроқ даштида “сүғдиёна” навли серхосли қишиши узумлар ўстирилмоқда. Илоё, боғларимиз кўпайсин.

### ТИЛЛА КОНИ

Марказдан анча узоқда жойлашган, сув қадоқладиган янги корхона сари йўлга чиққанимизда чуқур уйга толгандим. Қирқ йилдан ошик Чирокчи кенгликларини кезаман. Жами 23 минг гектарга яқин суғориладиган, 100 минг гектардан ошик лалим ерлари бор. Пахта етиширилади. Воҳада энг кўп лалим буғдой шу туманинг хиссаси. Айниқса, ёғингарчилек мўл бўлса, ҳосилни боради. Ўтган йили лалим ерлар қараб кетди. Оқар сув заҳиралари кам. Энг катта корхонаси – пахта тозалаш

**2017 йилда туманда боғча ёшидаги болаларнинг бор-йўғи 2 фоизи жалб этилган эди, холос. Боғчалар етишмас, айрим бинолар сабабсиз сотиб юборилган эди. Ҳозир бу кўрсаткич 32,7 фоизга етди. Айни пайтда 22 та давлат, 9 та давлат шерикчилек, 276 та оиласиев таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.**

палатаси депутатлари ва сенаторлар 10 кун давомида Чирокчи тумани муаммоларини ўрганишган, мактаб, коллежларга борганингизда “Қирғиз” қишлоғидаги илм маскани эътиборимизни тортган эди. Кўш қаватли, замонавий мактаблар кўп эди. Бироқ бу эски мактаб яхши иситилган, ўқувчилар эркин сабоқ олишарди. Мактаб раҳбари Юсуф Шайманов экан ...

Эрта тонгда қишлоқдаги ўша мактабга яна келдим. Катта дарвозадан кенг ҳовлига кирдим. Ҳали ўқитувчи ва ўқувчилар келишмашган кўринади. Йўқ, майсалар кўклилаган спорт майдончаси четидаги дараҳатларни кўздан кечириб юрган Юсуфни кўриб қолдим. Қаршимиз тез-тез қадам ташлаб кўриб келди. Қўришдик, сўрашдик, унга қараб ўтган кунларни эслаб кетдим.

Юсуф Самарқанд давлат универсitetinini битириб, физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Қисқа вақтда ташкилотчилиги аниқ бўлгача, туман ҳокимлигига ишга олини мавзуси вазифаларда 10 йилдан кўпроқ меҳнат қилди. Ўн бир йилдирик, 36-мактаб директори. Эски бино ўтган йили сифатли таъмирланди. Ҳовлида турфа дараҳт ва гуллар ўтирилмоқда. Машгулларга кирдим, ўқитувчилар малакали, ўқувчилар кизикиш билан фан сирларини ўрганишмоқда. Мени озодалик, бино деворларига ҳеч нарса ҷизилмагани, охори тўкилмагани ҳайратга солди.

– Ўқувчилар мактабни ўз уйларидек билишади, – дейди Юсуф бино деворларини синчиклаб кўраётганимга қараб. – Ҳеч ким чиқинди ташламайди, деворларни чапламайди. Озодалик болалиқдан ўргатдим. Аммо 220 ўринли мактабда 390 ўқувчи таъ-


кирилган мактаблар ўрнига янгиларини тиклаш борасидаги ишлар ибратли. Давлатимиз ажратган маблағ эвазига ўтган йили 7 пахса иморат ўрнига замонавий бинолар тикиланиди, 10 та мактаб учун қўшимча синфоналар курилиди. Бу йил ҳам курилишларга 92 миллиард сўм маблағ ажратилган, кўп худудларда иш жадал. Яна “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига қўшилиб, мактабларда 100 минг тупдан зиёд кўчут экилиб, 1 гектар майдонда “Ҳалқ таълими боғи” яратилиди.

– Ёшлар мамлакатимиз келажаги, таяни, – дейди Чирокчи туман мактабгача таълим бўлими бошлиги Шавкат Бойжигитов. – Босиб ўтилган йўлга бир назар ташлайлик. Вазирлик ташкил топган 2017 йилда туманда боғча ўшидаги болаларнинг бор-йўғи 2 фоизи жалб этилган эди. Ҳозир бу кўрсаткич 32,7 фоизга етди. Айни пайтда 22 та давлат, 9 та давлат шерикчилек, 276 та оиласиев таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Яна янгилари қурилиб, кичкинотлар тарбияланмоқда. “Қорабурук” маҳалласидаги “Салом, азиз болажонлар”, “Мубина, Аслот” ва бошқа боғчалар намунали. Режани айтсан, йил охиригача кичкинотларни жалб этиш 42 фоиз ошади. Яна 150 дан ортиқ оиласиев боғча ташкил этилади.

### “КИШМИШТЕПА”

#### КИШМИШЛАРИ

Бундан тўрт йил бурун вилоятдаги саккиз туманда боғчалар ҳолатини ўрганиб, газетамизда мақола чиқарган эдим. Үшанда Қарши



Президентимиз ўтган йили қашқадарёлик сайловчилар вакиллари билан учрашганда вилоят тараққиётининг устувор ўйналишлари борасида кенг тўхтатган эди.

30-mart, chorshanba, 2022-yil.  
№12-13 (32707)

# ЯНГИЛИКЛАР КЎП

## ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларда кўрмоқдамиз



заводи эди. Аммо саноатга ихтиосослашган пахта кластери яқинда Кўкдала мавзесида янги ип-игигирик корхонасини қурди. Чорвачилик яхши ривожланган. Таги мўл кварц, кремник, дала шпати, марганец, цемент ва бошқа мәдандар захираси бор. Бу йил 55 та лойиҳа асосида 1685 та янги иш ўрни яратиш режаси тузиғланган.

– Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амалиги қўшма корхонасининг Чирокчилигидаги таъсисчиси Содик ака Каримов, – дейди хисобчи Олим Бобоназаров. – Роза 260 метр чукурликдаги куударлардан сув чиқариб, 0,35 ва 20 литрлик идишларга қўйлаяпти. “ISO 22000” халқаро сифат сертификатини олганимиз. Ускуналаримиз Хитойдан келитирганд. Насиб этса, маҳсулотларимизни хорижга экспорт кила бошлаймиз.

Корхона жойлашган Бешчашма қишлоғидан ўтиб, Араббанда қишлоғига йўл оламиз. Бундан 15 йил бурун келганимда тепаликлидаги хонадон соҳиби, асли ўқитувчи бўлган тадбиркор Шариф бобо Худойқулов бир йил олдин қайтиш қилибди. Тепалик устида янги уйлар қурилибди. Самарқанддан Шахрисабз шахрига ўтаётган хорижлик ва ўзимизнинг сайдехлар бу оила тўқиган буюмларни сотиб олишиш экан. Бобонинг ўғли Илҳомжоннинг умр ўйлудоши Салтанат Кўлдошева моҳир чевар сифатида доворуғ қозонган. Оиласарида 4 фарзандни ўстиришлати. Ҳозир 100 нафардан ортиқ шогирди бор. Ундан касбни кимдан ўргангани ва қишлоқларига келган япониялик тадқиқотчи ҳақида сўрайман.

– Онам устозим эди, – дейди Салтанат. – Келин бўлиб тушгач, қайнонам Чинни момодан гилам ва буюмлар тўкишини ўргандим. Ҳа, 2011 йилда Япониянинг Кёто университетида элшуннослик бўйича ўқитувчи киз Соно Фумато ўйимизда бир йил турди. Кейин ҳам келиб-кетиб юрди. “Гилам, умуман, ҳунарларинг ҳақида кўп мақолалар ёзим”, деганди Соно. Ўзбекча гапиришга тили келиб қолганди. Маҳсулотларимиз хорижлик сайдехларга ёқар экан демак, улар сифатли...

Мен ер ости сув кони ҳақида ўйлайман. Воҳада Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида асосий, қисман Чирокчи заминидаги чуҷук сув бор. Баҳоси тенгсиз. Аммо чирокчиликларинг бемисил хунари, қалб орзулари ҳар қандай тилла конидан қиммат.

### БОЛ СЎЗЛАР

“Қирғиз” МФЙ нинг раиси Диёр ака Бозоров тиниб-тинчимас раҳбар экан. “Хар бир хонадон ўз оиласи”, дейди у. Ҳозир қишлоқда 40 дан ошик иссиқхона борлиги, яна кўрмоқ-

– Сиз вилоятдаги масъуль ишни ташлаб келибсиз...

– Ҳайдалган, деган шубҳангиз бор-а?

– кулади Бекзод. – Йўқ, ака, менга ҳеч ким кет, деган эмас. Давлатимиз раҳбари ташаббус кўрсатишга чорлаганларида юрагимда ёрқин ҳислар уйғонди. “Ҳали ёшсан, узоқ туманга бориб одамлар орасида меҳнат қилиб, тажриба орттири”, дедим ўзимга ўзим. Чирокчининг бу қишлоғига шу тарзда келиб қолдим.

чи бўлганларга кўмак беришаштагани ҳақида гапиради ва мени ҳоким ёрдамчиси билан танишишибди.

Президентимизнинг қишлоқдаги вакили Бекзод Қурбоновнинг тақдиди ҳақида сўзласа, арзиди. Асли Қамаши туманида туғилиб ўтган Бекзод ҳозир 40 ёшда, касби иқтисодчи. Яхши ишларда меҳнат қилид. Қобилиятини кўрсатди. Кўп ўтмай вилоят аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига раҳбар бўлди. Очиғи, ташаббус кўрсатиб ишлабтаган эди.

– Сиз вилоятдаги масъуль ишни ташлаб келибсиз...

– Ҳайдалган, деган шубҳангиз бор-а? – кулади Бекзод. – Йўқ, ака, менга ҳеч ким кет, деган эмас. Давлатимиз раҳбари ташаббус кўрсатишга юрагимда ёрқин ҳислар уйғонди. “Ҳали ёшсан, узоқ туманга бориб одамлар орасида меҳнат қилиб, тажриба орттири”, дедим ўзимга ўзим. Чирокчининг бу қишлоғига шу тарзда келиб қолдим.

– Хўш, хўш...

– Мана, иккى ойдан ошдики, ҳар бир хонадон ҳаётӣ, эҳтиёжи, орзулари билан танишиб

чиқдим, – дейди Бекзод. – Бу борада Диёр ака кўп маслаҳат беряпти. Яқинда Шахрисабз шахридаги “Хунарманд” уюшмаси кўплаб оила билан кўрпа буюмлар тикиш бўйича шартнома тузди. Бу ўзига хос кооперация ёки қасаначилик.

Бекзод билан асаларичилар устози Абдураҳмон хожи Бобоев ҳузурига борамиз. Мен мактабда ўқиб юрганимда оиласизда 30 кути асалари парвариш қилинади. Уларга караб, анча тажриба орттиргандим. Кейин илимий кўплланмаларни ўрганиб, “Асалари бол тўпландими ёки шакар?” сарлавҳали мақола эълон қилганман. Абдураҳмон бобонинг ишлари мени хайратга солади. Бобо тузган асаларичилар кооперациясининг ҳозир 50 нафардан ортиқ аъзоси бор экан. Уларга асалари оиласи ва зарур ускуналар етказиб берилади. Бобонинг ўғли қўшқаватли бинода машғулот маркази очган, ёш асаларичиларга иш ўргатмоқда. Ҳожи бобо Республика асаларичилар қишлоғасининг мукофотларига сазовор бўлган. Машаққатлар ичра ўтган умр. У болдек сўзларни айтади:

– Давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқдаги қийинчиликлардан ҳабардор бўлиш, уларни ўз ўрнида ҳал этиш, одамларни рози қилиш вазифасини қўймоқда. Президентимизнинг вакили ҳар куни биз билан бирга. Мамлакатимизда, воҳамизда, туманимизда минг-минглаб асаларичилар ёшлар бол этиширади. Бу – даромад, яхши хаёт дегани.

### ҚАҲРАМОН

“Қаҳрамон” МФЙ раиси Суюн Қиличов айтаверади, мен ёзиб олаверман:

– Хўп, маҳалла 6 қишлоқни бирлаштирган. 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қиласди. Жами 1,5 минг гектар ламли ери, 200 гектар пахта майдони бор. 4 та мактаб, 6 та бояғча фаолият кўрсатти. Қишлоқларимиз Қашқадарё соҳида жойлашган туфайли дехқончилик яхши. Ҳозир 36 та хонадон балик этишириялти. Одамларга орзулари ушалиши учун ёрдам беряпмиз. Ҳув, авави 30 сотих ердаги иссиқхона кўшини маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси Алишер Пардаевга тегишили. Бундай тадбиркорлар кўп. Хўп, юринг-чи.

Махалла оқсоқоли билан бошлашиб, ниҳоятда чироили қурилган уй ва уни ўраб турган ҳовлига келдик. Бу уй ҳоким ёрдамчиси Абдурашид Ахмедовга тегишили экан. ўзи қишлоқларни айланниб кетибди. Анича жойга ток экилган. Айниқса, усти ёпилган ҳовузлар эътиборимизни тортиди. Уларда Африка қора лаққа балиғи этиширилаётган экан. Яна Калифорния қизил чувалчангни кўпайтирилаётган хандакни ҳам

кўрдик. Кейин тадбиркор ҳоким ёрдамчиси Абдурашид билан учрашдик ва у шуларни гапириб берди:

– Балиқ бокиши жону дилим. 6 та усти ёпиқ ҳовузимиз бор. Ўтган йили 70 тонна балиқ сотдик. Оиласизга 5 гектар ер ажратиб берилиди. Жами 200 миллион сўм сарфлаб, 5 та артезисн кудуги қаздик. Шу туфайли кўшимча 5 та табиий ва 3 та сунъий ҳавзага эга бўлдик. Ҳаммасида балиқ этишириамиз. Битта 30 сотих ердаги усти ёпиқ ҳовузда 30 тонна балиқ этишириганимиз. Ҳоким ёрдамчиси сифатида қишлоқларимизда ва туманимизда минглаб оиласа сердаромад балиқ бокишиши учун кўлимдан келган ёрдамни бериша тайёрман.

У билан хайрлашаман. Олийжаноб ишларга кўйл ураётганлар асл қаҳрамонлардир.

### ХУШҲАБАРЛАР


Катта янгиликлардан бирни шуки, Чирокчида Ўзбекистон фермер дехон ҳўжалликлари ва томорқа егалари кенгаши ҳузурида илмий-ўқув марказининг қўшқаватли биноси ишга туширилди. Бу марказ вилоятда ягона. Марказ раҳбари Отабек Норқобилов яхши ташкилотчи экан.

Унинг айтишича, туманда 2159 фермер бўлиб, улардан 1315 таси пахта, ғалла этишириади. Дон этишириётган фермерларга ҳам барча шароитлар яратилган. Чорвачилида 242 фермер меҳнат қилияпти. Томорқа эгалирига 72 минг гектар ер тегиши бўлса, ундан 20-25 минг гектари қисман сугориладиган ерлар.

Тажриба амалий машғулотлар учун 1 гектар ер ажратилган. Шу жойда 5 минг жўйка очириладиган инкубация курилмоқда. Ҳозир 2 та мини трактор бор. Ҳар бир маҳалла қўёнчилик, асаларичилар, балиқчилик ривожланади. Ҳориждан зотли қўйлар олиб келинди ва одамларга тарқатилди. Умуман, улкан ишлар бошланниб кетган.

Энг муҳим янгилик. Президентимиз ўтган йили қашқадарёлик сайловчилар вакиллари билан учрашганда вилоят тараққиётининг устувор йўналишлари борасида кенг тўхтатланган эди. Жумладан, Чирокчи туманинни иккига бўлиш масаласи кўтарилиганди. Чунки, улкан худудни бошқарши жуда кийин. Натижада туман ривожланишдан анча орқага қолганди. Энди янги Кўкдала тумани тузилди. Бу истиқбол, улкан ўзгаришларнишонаси!

**ЮНИС УЗОҚОВ,**  
**Ўзбекистон Республикасида**  
**хизмат кўрсатган журналист.**



**Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, инфляцияни таргетлаш режимига ўтаётган Ўзбекистон учун тўғридан тўғри валюта чекловларининг жорий этилиши орқага қадам бўлади.**

**АЗАЛИЙ САВОЛ:**

# НАРХ НЕГА КЎТАРИЛАДИ?

**СҮНГИ ПАЙТЛАРДА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕА-ХОДИСАЛАР НАРХ-НАВОГА ВА ВАЛЮТА КУРСЛАРИГА САЛЬБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА. СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР БИР ТОМОН, ЖАМОАТЧИЛИК ОРАСИДАГИ ГАП-СҮЗЛАР, МИШ-МИШ ВА ТАХМИНЛАР БИР ТОМОН БЎЛЯПТИ. БУНДАЙ ВАҚТА ХАР СОҲАНИНГ ЭГАСИДАН ГАП СЎРАГАН МАҶУЛ, АЛБАТТА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АСОСИЙ МАМЛАҚАТ НУРМУРОТОВ МУХБИРИМIZНИНГ АЙРИМ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ.**

– Бугунги кунда ривожланган давлатлар ўртасида бўлаётган иқтисодий бўхронлар, яъни АҚШ ва Европа давлатлари Россияга нисбатан эълон қилаётган санкциялар мамлакатимиз иқтисодига қандай салбий таъсир қўрсатиши мумкин?

– Охириг 20-25 кунда молия бозорларида ва асосий савдо ҳамкорларимизда иқтисодий вазият кескин ўзгарди. Киска муддатли бекарорликлардан келиб чиқиб, иқтисодига қандай салбий таъсирлар жорий йилга белгиланган макроиқтисодий кўрсатичларга ўз таъсирини кўрсатади. Вазиятнинг тез ўзгарувчилигини хисобга олган холда, биз ўз хисобкитобларимиз ва прогнозларимизни апрель ойидаги бўлиб ўтадиган навбатдаги Марказий банк бошқарув йиғилиши учун қайта кўриб чиқамиш ва эълон қиласми.

Мен валюта курси, савдо ва молиявий каналларни асосий таъсир каналлари сифатида ажратиб кўрсатган бўлардим. Асосий савдо ҳамкорларимиз миллий валюталарининг қадрсизланиши сўмга қиска муддатли девальвацион босини юзага келтиргомда. Жумладан, пул ўтказмалари ҳажми АҚШ доллари эквивалентида камаймоқда, аҳоли ва тадбиркорларда девальвацион кутилмалар ошиди. Бундай босим мукаррар, лекин ўрта муддатли истиқболда, инқизорзининг ёнг юкори таъсирли босқичи ўтганидан сўнг, савдо ҳамкорларнинг валюта курслари ўзининг мувозанатли кийматлари етади ва шунга мос равишда сўмнинг алмашув курсига босим ўтказишни тўхтатади.

Савдо канали деганда Ўзбекистон импорт қадлагидаги нефть, металлар, дон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи каби қатор хомаше ва озиқовқат маҳсулотларининг жаҳон бозорларида нархи ошишини назарда тутяман. Бундан ташқари, анъанавий юн ташиши ўйналишлари мураккаблашмоқда, бу эса яна импорт қилинадиган товарлар нархининг ошишига олиб келиши мумкин.

Молиявий канал – бу инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб этилиши режалаштирилган кредит линиялари кўринишдаги молиявий ресурсларид. Бўлиб ўтадиган воқеалар биз жойлашган худудимизнинг (минтакамизнинг) инвестицияни жозибадорлигига салбий таъсир қўрсатади. Шунинг учун ҳам йирик инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш учун янги манбаларни излашга мажбур бўламиз ва бу, албатта, белгилаб олган таркибий ислоҳотларимизни тезроқ ва самарали амалга ошириши талаб этади. Эҳтимол, баъзи инвестиция лойиҳаларни кейнинг қолдиришга тўғри келиши мумкин.

– Сўм курсини ушлаб туриш учун Марказий банк интервенцияни қиладими?

